

Хижрий 5 аср ила 10 аср орасидаги беш юз йиллик бу давр Хуросон ва Мовароуннахрда ислом маданиятининг гуллаган мавсуми эди. Бешинчи аср(лар) арабнинг янги рухий ортиши билан Эроннинг ер юзида мумтоз мавке тутгон давридир. У вақтлар рубъи маскуннинг энг файзли китъаси ва маълум дунёнинг огизларда дoston бўлатургон кисми Ирок ва Хуросон эди. Ўрта Осиёнинг янги тарихида энг бой ва шавкатли давлатлар шу даврнинг махсулидирлар.

Мамлакат обод, халк эсонлик ичида эди. Чунки рубъи маскуннинг бойлиги шу ўртага йигилгон эди.

Бу воқеаларда Ирок, Хуросон ва Балхнинг марказий шаҳарлари Бағдод, Хирот, Нишопур, Балх дунё тижорасининг йўллари устида эдилар. Хиндининг камишлари, Чиннинг санъаткорона ишлангон ва тўкилгон асбоб ва кийимликлари, Миср ва Шомнинг помбик, ипак коғозлари, Эроннинг кимматбаҳо тошлари, хулласи, дунёнинг бир томонидан иккинчи томонига ҳар нарса бу йўллардан ўтар эди. Мана шу замонларда эдиким, ислом маданиятининг етиштиргон ҳаким ва адиблари дунёда ягоналик тугини кўтарган эдилар.

Ҳаким Санойи, Мавлоно Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор, Абу Али ибн Сино, Форобий, Хайём каби энг буюк ва машҳур кишилар шу асрнинг етиштирган кишилари орасидадир. Бу ўрта аср маданиятининг иккинчи бир вараги бўлгон 8, 9, 10 аср турк даҳосининг асрий маданияти ўзлаштириб очилгон ва юксалган бир давридир.

Воқеан, юкорида отларини санагонларимиз орасида ҳам турклар бор, лекин бу кейинги давр турк даҳосининг ўз мамлакатида, ўз муҳитида ва ўз муассасалари учун ишлатиши билан айриладир.

У даврда Темур, Йилдирим, Бобир каби буюк кўмондонлар, Аҳмад Яссавий, Навоий, Султон Хусайн, Фузулий каби шоирлар, Улугбек, Кушчи каби хайъатшунос ҳакимлар етишдилар.

Таржимайи холи ва тарбияси

Ўрта Осиёнинг шу «олтун даври»нинг 844 хижрийсида эдиким, бу кун турк адабиётининг отаси саналатургон Алишербек Хиротда дунёга келди.

Алишернинг отаси Ганжинаи Баҳодир Темур болаларининг хизматларида юратургон маъмурлардан бири эди ва хижо вазни билан шеърлар айтганидан шоирлик ила машҳур бўлмиш эди ва шунинг учун Кичик баҳши дебда атар эдилар.

Ганжинаи Баҳодир ўзи ҳам илм ва фазл одами бўлгонликдан Алишернинг тарбиясига кичик ёшдан аҳамият берди. Алишер аввал Хиротда бошлангич мактабда ўқиди ва ўзининг йигитлик ва фаолият йилларида энг якин дўсти бўлгон Хусайн ҳам шу мактабда ўқур эди.

Алишер олти ёшда экан, оиласи Шохрухнинг вафотидан сўнг Машҳадга кўчди (850 хижрий).

Бу шаҳарда Алишернинг ёшлигига карамай, Султон Абулкосим Бобирнинг ёнида отасининг ўрнига тайин этдилар.

Алишернинг фазл ва камолга бўлгон майлини кўргон Абулкосим Бобир унинг форсий ва туркий калам тажрибаларини ташвиқ этар ва доимо навозишларда бўлинар эди. Бу орада Хирийнинг эски вазири Мавлоно Хумойи муаммода ягона эрди. Алишерга

рахбарлик этди. Ва у замонлардан бошлаб икки тилда мухимгина асарлар ёза бошлагонидан зуллисонан (икки тил эгаси) лакабини олди.

Алишер 17 ёшда экан, Бобир ўлгандан сўнг диний ва илохий илмлар билан шугулланмак истади. Шу вақтларда эдиким, Хуросоннинг машхур шоирларидан Шайх Камол Турбатий билан танишди ва истифода этди. Шу вақтларда яна бир Хиротга келиб, Султон Абу Саиднинг хизматига кирган бўлса ҳам хурсанд бўлмасдан Мовароуннахрга жўнади.

Алишер Мовароуннахрнинг маркази бўлгон Самаркандга келиб, Абуллайснинг болаларидан ва шаҳарнинг буюкларидан Хожа Жалолиддин Фазлуллох Абуллайснинг мадрасасига кўнди. Бу Хожа усули фикҳца шундай мохир - уста эмишким, ҳамма сирларни уни (Ибн Хожиб) билан бир ўтар эканлар («Мажо-лис ун-нафоис»).

Алишер икки йилча бу фозили мухтарамнинг ёнида турди, яна шу вақтларда шоир Мавлоно Юсуф Бадиҳий Андижоний билан танишди. Самаркандда илм билан машгул бўлди. Султон Абу Саид ўлгандан кейин Хусайн Бойкаро тахтга ўлтиргоч, Алишерни Самарканддан Хиротга чакирди.

Бу вақтларда Султон Хусайн ёнида бўлгонидан идора ва ҳукумат ишлари билан машгул бўлди.

875 хижрийда исён этган Муҳаммад Ёдгор устига Султон Хусайн ила бирга юриш килиб, уни ўз кўли билан тутиб, ҳукмдорига такцим килди.

Бунда бошқа идора ва ҳукумат ишларига кўб ярарлиглар кўрсатганидан 876 да мухрдори хоконий белгиланди. Яна шу йилнинг ўзида амирлик рутбасини олди.

Алишер ҳар канча подшоҳ томонидан очик юз ва илтифот кўрса ҳам доимо ҳукумат ва идора ишларидан безгин эди ва такрор-такрор ишдан бўшатилишини сўрар эди. Алишер идора ишларига ҳар канча ярарлик кўрсатса ҳам, унда фазл ва камолга майл ниҳоят даражада эди.

Унинг энг буюк гуссаси севгисининг иккига бўлиниши эди. Бири энг якин дўсти бўлгон Хусайн Бойкаронинг юзидан ўтолмасдан унинг буюргон ишлари ила машгул бўлиш, холбуким маданият, илм ва санъатга ортикча берилган бир киши бўлгонидан ҳукумат ишлари унга кўб монеъ бўлур эди.

Алишер истар Машхадда, истар Самарканд ва Хиротда бир томондан замонининг энг буюк идора кишилари, зодагонлари орасида бўлса, иккинчи томондан Мовароуннахрда биринчи мавке козанатургон олимлар, шайхлар, адиблар ва санъаткорлар орасида эди, улардан кўб фойдаланди.

У асрда мутасаввуфлар энг буюк ўрин тутар эдилар.

Алишер Самаркандда тургон муддатда Хожа Жалолиддин Фазлуллох Абуллайсдан, Мавлоно Жомийдан ва бошқа у ерда ниҳоят даражада кўб бўлгон мутасаввуф олимлардан таъсирланди.

Юкорида кўрсатишимизча, бир томондан мухит, бир томондан муосир буюк кишилар унга тасаввуф талкин киларди. Бу юкорида кўрсатгонларимиздан Мавлоно Жомий бир томондан диний-илохий рахбарликда бўлса, иккинчи томондан асрнинг энг буюк адиб, шоирлари ила бирга унга адабиёт ва суфат талкин килар эди.

Машхадда тургонда Бобирнинг вазири Мавлоно Хумойи, шоири машхури хуросони Шайх Камол Турбатий, Самаркандда Мавлоно Юсуф Бадиҳий Андижоний ва сўнгра Хиротда ўнларча шоир, адиб, санъаткор ила бирга бўлди.

Мутасаввуфлиги

Мана шу мухит ва шу тарбияда яшагон ва ўкугон Алишер табиий ўларок тасаввуф манзумаи фикриясига берилди. Энг кўб тарқалгон ва энг кучли намояндалари бўлгон бир фалсафа тасаввуф эди.

Навоий тасаввуфнинг рухониятчилигига шунча берилган эдиким, хар асарининг хар ерида бунинг таъсири кўриладир.

Чигатой шеърининг устозларидан бири бўлгон Лутфий тўгрисида хар вақт сўз очилса, Навоий у билан кўришганини ва унинг Навоий тўгрисида илтифоткорона карагонини ва шунинг учун доимо унинг рухониятининг ёрдамида бўлишини таманно килар эди.

Энг буюк сўфийлардан Сайид Ахмад Ардашернинг якин мусохибларидан ва бу киши хакида жуда самимий эди — доимо «бугун умрида бу зот каби мукамал бир шахсиятга учрамаганини» такрор килар эди.

Мавлавий Жомий эса Навоийнинг пири эди. Бу кишига мухаббати шу қадарким, хар асарида ҳеч бўлмаса, бир-икки саҳифа бу зотнинг тавсифига ҳаср килгондир.

Жомий ҳам ўзининг «Бахористон»ида Навоий тўгрисида айрим бир фасл айириб, унинг мадҳ, саносида шунча муболага киладирким, у асрда унча буюк одамдан ҳеч ким бу илтифотни кўрган эмасдир.

Мавлавий Жомий воситасида накшбандга интисоб этди. Бу манзумаи фикрия таъсири билан Навоий 38 ёшда, 881 хижрийда қасб-қамолга машғул бўлди.

Илмий, адабий шахсияти

Кўрдикким, Навоий отасининг кўлида экан, илмий, адабий бир мухитда эди. Отаси бир шоир ва эски анъанавий бир шоир бўлиш сифати билан ҳам асрий ва тарбиявий адабий таъсир ижро этди. Шунинг учунда Навоий энг кичик ёшдан шеър айта бошлади.

Алишер 14-15 ёшда экан, форс ва туркий шеърларини Абулқосим кўрди ва уни ташвиқ килар эди ва Абулқосим Бобирнинг вазири Мавлоно Муаммой кўл остида ёзгон туркча, форсча асарлари муҳимгина мавқе олгонидан шу вақтдан бошлаб уни зуллисонайн атай бошладилар.

Навоий ўз ҳаётида энг кўб ёзгон кишилардандир. Мавлавий Жомий ҳаёт экан, Навоийнинг ўн минглаб кўб газал ёзгонини ва «Хамса»сининггина ўттиз минг байт эканини зикр этадир.

Навоий форсий билан ҳам анча машғул бўлди. «Хамса»сини қандайким Низомийга жавобан ёзгон бўлса, мушоира майдонида бўлгон ва Хусрав томонидан ёзилгон «Бахр ул-аброр» деган қасидага жавоб айтди.

Навоийнинг «Тухфат ул-афкор»и Хусравнинг «Бахр ул-аброр»идан кўб ҳам қолишмайдир ва бундан кўб қимматли фикрлар юритгандир.

Масалан, унинг матлаи шудир:

Оташин лаълики тожи Хусравонро зивар аст,
Ахгари баҳри ҳаёли хом пухтан сар аст.

Таржимаси:

У оловга ўхшагон лаълки, подшоҳларнинг тожларининг зийнатидир, биласизми нима учун? У бошда хом ҳаёллар пиширмаккагина ярайтургон бир учкундир.

Навоий бир мужиддир

Юкоридаги бўлимларда Навоийнинг мухити ва асрининг буюкларини айтдик. Табиий, сўз боришидан маълумким, бу мухит хар канча турк аралаш бўлса ҳам, эрон-форс мухитидир ва бу шахслар хар нақадар турклар бўлса-да, форс унсурлар кўпчиликдир ва табиий, турк аралаш бир форс маданий соҳасидир.

Навоийнинг асли муҳим шахсияти на мутасаввуфлиги, на шоирлиги, на тарих ёзгонидир. Унинг мумтозлиги шундай қайнагон ва юзларча йилдан бери сингиб кетган форсликнинг марказида турклар муассасаларини қуришидир.

Навоийнинг форсга ва форс маданиятига бир душманлиги йўқдир, у тўғридан-тўғри миллатчи ва туркликни севатургон бир шахсиятдир.

Навоий ўз асарларида форсчанинг нозик, оҳангдор бўлгонини ва у билан шеър айтиш қулай ва ҳуш келатургонлигини айтадир. Лекин «модомики, биз айри иркмиз ва айри бир тил эғасимиз, нима учун ўз элимиз тушунатургон қилиб ўз тилимиз билан ёзмайлик?» дейдир.

Форс тили ишлатиш билан нозиклашган экан, нечун турк тили шундай бўлмасун. Форсда бу қадар гўзал асарлар бор экан ва буларни бизнинг турк англамас экан, нечун у маҳрум бўлсун ва бу асарлардан истифода қила олмайтургон бир вазиятда қолсун?!

«Турк тили хар қанча кўпол ва оғир бўлса ҳам ўзимизники бўлғони учун яхши қўринадир».

Тузилди бу тизмак бори сарсари,
Яна туркий алфоз ила бир сари...
Қошингда сенинг гарчи қўб вазни бор,
Қу бор ўз сўзинг йўқ анга эътибор.
Қи сўз зодаи табъу фарзанд эрур,
Қу фарзанд эрур, жонга пайванд эрур.
Неча зодаи табъ эрур нописанд,
Қишининг ўз оллида бор аржуманд.
Неча бум фарзанди манхусдор,
Ўз оллида ҳуш жилва товусдор.
Қениб шаҳи йўқ гарчи ҳашакча,
Қаландар қадар суру челақча.

Мана бу муҳоқама натиғасида у қўлига қалам олди ва форснинг энг машҳур асарларига қарши турк классик асарлари(ни) вужудга келтирди.

Мана, Навоийнинг бизга муҳим бир хизмати ва уни бу қун турк адабиёти отаси аталишининг амалий ўзағи шундадир.

Алишербек бундан беш юз йил илғари қарши исён қилди ва ўзининг «Муҳоқамат ул-лугатайн» отли асарида туркчанинг форсийдан ҳеч вақт қолишмаслигини, балким ундан қат-қат ортуқ ва бой эканини исбот этди.

«Модомики, Навоий шу фикрдадир, нима учун форсийча бир девон бир неча қасида ва бир неча асарлар ёзди?» деган эътироз бўлиши мумкиндир.

Бир қиши ўз фикрини қабул қилдирмоқ учун энг олдин ўзининг муҳоқабларича бир савиядан бўлиши керақдир. Алишер ҳам шу йўлни тутди. Бошлаб уларнинг ўз йўлларида шеърлар, асарлар ёзди, қамолини қўрсатди ва сўнгра ўзининг сирини очди ва дардини соқди.

Навоийнинг Султон Хусайн ва ундан кейинги даврга қилгон хизмати ва қилдиргон

гаъсири кучли ва кўбдир. У доимо илм, фазл эгаларини тарбият килар, уларга вазифалар белгилар ва асарлар ёздирар эди.

Навоийга багишланиб жуда кўб асарлар ёзилгондир.

Султон Хусайн асари тўғрисида бошка асарларга карагонда бизда кўб манба ва маъхазлар бор. Буларнинг энг биринчиси Навоий (да)дир.

«Равзат ус-сафо». «Хабиб ус-сияр», Восифий каби тарих ва хикоячи мунаггирафлар, Жомий, Мавлоно Хусайн каби ахлокий, диний асарлар ёзатургон муаллифлар ва бундан бошка ўнларча дево(н)чи, тазкирачи ва турли йўлда ёзгувчи адиб ва шоирларнинг барчалари Алишернинг мусохиблари ва унинг химояти остида яшагон фазл эгалари дерлар.

Бу олим ва адиблар ва бошка унинг санъаткор мусокиблари хам бор эди. Унинг сухбатида асрининг энг буюк мусикашунослари, хофизлари, мусаввирлари иштирок этдилар.

Хатто Навоийнинг мусика оламида хам машхур экани ва бир неча наволар басталагани маълумдир.

Рассомликда хам Навоий анча хизмат килди. Кўб расмлар чизгони ривоят этиладир. Бу майдонда бир неча шогирдлар етиштиргонлиги Мовароуннахр санъаткорлиги дунёсида мухим ўрин тутадир.

Навоийнинг ўттиздан ортик асари борлиги ривоят килинадир.

Кўлимизда бўлгонлари:

«Чор девон», «Хамса»си, «Тарихи Ажам», «Мажолис ун-нафоис», «Мухокамат ул-лугатайн», форсий бир девони.

Вафоти 906 хижрий зулхижжа ёки шаъбон ойидадир. Кабри Хиротда, ўзи солгон жоменинг сахнидадир. Умри олтмиш иккидир.

Илова:

Бу кичкина макола журнализмнинг Навоий юбилейига иштироки учун ёзилди. Бунда кўб холлар ва воқеалар киска, баъзан хатто бир сатрда ўтилди. Ўзбекистон Маориф комиссарлиги илмий шўроси номидан якин фурсатда Навоийнинг беш юз йиллиги муносабати билан килинатургон юбилейда жуда кенг бир режа тузилди.

Илмий шўронинг кейинги мажлисида шу якин икки-уч ой орасида Навоий учун бир «айсилиш» мажлиси килишга ва бунгача Навоийнинг таржимаи холи ва фаолиятига оид бир мажмуа ва Навоий асарларидан терма, яна бир мажмуа ва энг сўнгида унинг расмини катта, кичик хажмда таркатишга қарор килинди.

Шунинг учун, модом, махсус бир мажмуа чиқариладир, яна ундан тафсилот бериш ортукча билинди. Келгуси текширишларнинг матнигина тақдим килинадир.

«Алишер Навоий» - бу макола В.М. имзоси билан «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1925 йил 3-сонида эълон килинган. Уни фитратшунос Х.Болтабоев куйидаги изоҳлар билан «Ёшлик» журналининг 1991 йил 5-сонида қайта нашрга тайёрлаб эълон килдирган. Шу манбадан фойдаланилди.

1. Рубъи маскун - ер юзи.

2. Хайъатшунос - астроном.
3. Тахсила кавоид фозили улуми наклия ва такмили фунуни маорифи аклия - наклий ва аклий фанлар коидаси, комили.
4. Муосир - замондош.
5. Суфат - сўфийлик.
6. Интисоб - насиб этмок.
7. Хаср - багишламок.
8. «Бахр ул-аброр» - Хусрав Дехлавийнинг «Дарёи аброр» асари назарда тутилмокда. Бундай номланиш Фитрат ва А. Саъдий асарларида ҳам учрайди. Ўша пайтдаги мавжуд кўлёмаларда шундай зикр этилган бўлиши мумкин.
9. Мужид(д) - тиришувчи, жиддий ҳаракат килувчи.
10. Бу фикр Фуод Кўпрулизода, Исмоил Хикмат каби улуг туркийшунослар томонидан ҳам кайд этилган.
11. Манхус - бехосият.
12. Мухотаб — хитоб (мурожаат) каратилган киши.
13. Маъхаз — материал.
14. Мусохиб — сухбатдош, ҳамдам.
15. Расух — салохият.
16. Хово — куй.
17. Вадуд Махмуд «форсий бир девон» деганда 1924 йили М. Солижоновнинг кутубхонасидан топилган, дастлаб Навоийга нисбат берилган «Девони Фоний»ни назарда тутган. Чукур навоийшунос бўлган Фитрат бу девоннинг Навоийники эмас, балки бошка кашмирлик Фонийнинг девони эканини исбот этганди. Бу ҳақда кўшимча маълумот керак бўлса, Фитратнинг «Навоийнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўгрисида» маколасига қаранг: «Маориф ва ўқитгувчи», 1925 йил, 12-сон, 38-41-бетлар.
18. Модомики демокчи бўлса керак.